



Ўқув



Малака ва таассурот

Ходимнинг малакаси қанчалик юқори бўлса, жамиятга нафи шунчалик кўп тегади. Шу нуқтаи назардан турли ўқув семинарлари ташкил этиш замони билан ҳамнафас яшашга, соҳа сир-асрорларини мукамал ўрганишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ЎзКУФК ўқув марказида Алоқа ходимлари касабаси Марказий кенгаши тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бирлашган ва Тошкент шаҳар бошланғич касабаси уюшма кўмиталари раисларининг ўқув машғулотлари айнан шу мақсадда ташкил этилди.

маънавият — энгилмас куч» китобининг мазмун-моҳияти ҳақидаги маърузалар тингланди.

Шунингдек, касабаси уюшма фаолияти, Меҳнат ва Фуқаролик кодекслари, меҳнат интизоми ва муҳофазаси, ижтимоий шерикчилик, жаҳон молиявий инқирозига қарши мамлакатимизда кўрилган чоралар ва бошқа масалалар юзасидан билдирилган фикрлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шу билан бирга, қатор амалий машғулот ва касабаси уюшма фаолиятида ахборот технологияларининг ўрни ҳақида ҳам кенг тушунчалар берилди. Жумладан, ТошТТС филиали касабаси уюшма кўмитаси фаолияти, иш жараёни, ходимларнинг моддий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси билан яқиндан танишдирилди. Бу ерда бошланғич касабаси уюшмалари компютер орқали тармоққа уланган бўлиб, касабаси уюшмада бўлаётган барча жараёнлар билан доимий равишда танишиб бориш имкони мавжуд. Бундан ташқари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг тарих музейида ҳам бўлишди. У ердаги экспонатлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўқув сўнгида тингловчиларга гувоҳномаalar топширилди. Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» муҳбири

Бу ҳақда курултойда гапирилган эди

Қарор

ижроси билан кучли

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Аъзолик афзаллигини асослаш масаласига жойлардаги Марказий кенгашнинг вакилликлари қандай ёндашмоқда?

— Бу иш Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Бухоро вилоятларида нисбатан яхши йўлга қўйилган. Масалан, Навоий вилоятини олиб кўрайлик. 2007 йилда бу ерда 7 та корхонада касабаси уюшма ташкилоти фаолият кўрсатарди. Биз бошланғич ташкилотлар сонини ошириш мақсадида вилоят ҳокимияти билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Шунингдек, касабаси уюшмасига аъзолик афзалликларига бағишлаб махсус буклет chop этдик. Корхона раҳбарлари билан суҳбат ўтказдик. Уларни Уставимиз билан таништирдик. Натижанда, ишларимиз анча жонланиб, яна 7 та корхонада касабаси уюшма ташкилоти фаолият курсата бошлади. 2009 йили вилоятда бу борада яхшигина натижаларга эришилди. 3177 нафар аъзоси бўлган 21 та ташкилотдаги ишчи-хизматчилар турли

имтиёزلардан фойдалана бошлади. Мазкур вилоятда жорий йилнинг 9 ойида 691 киши сафимизга қўшилди.

Қашқадарё вилоятида ҳам нодавлат тизимига мансуб бўлган 70 та қурилиш ташкилотиде касабаси уюшма ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди.

— Янги иш бошлаган бошланғич ташкилотлар етакчиларига қай тарихқа ёрдам кўрсатилмоқда?

— Эндигина фаолиятини бошлаган касабаси уюшма ташкилоти ёш ниҳолга ўхшайди. Уз вақтида парвариш қилинса вақти келиб, албатта мева беради. Янги етакчилар иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоят вакилликларининг ўқув дастурига асосан касабаси уюшмаси ва меҳнат қонунчилигига оид масалалар юзасидан ўқув-семинарлари ўтказилмоқда. Уларга услубий қўлланмалар тарқатилган.

Самарқанд вилоятидаги «Самсервис-технология», «Бинокор Шўхрат», «Умид-жон Элита» ва «Самсервис қурилиш»

масъулияти чекланган жамиятларнинг касабаси уюшма кўмиталарининг раислари аъзолар ҳурматини қозониб улғуришди.

— Аъзолик афзаллигини асослаш борасида кўпроқ нималарга эътибор бериш лозим деб ўйлайсиз?

— Бунинг учун биринчи навбатда жойларда имзоланаётган жамоа шартномаларининг савиясини юқори даражага кўтаришимиз ва унинг ҳар бир банди бажарилишини қатъий назоратга олишимиз зарур. Чунки аъзо турли имтиёз ҳамда кафолатлардан айнан шу ҳужжат орқали баҳраманд бўлади. Жамоа шартномалари — ташкилотимизга обрў келтирадиган манба. Ишчи-хизматчилар турли имтиёزلардан фойдаланаётган бўлса, буни кўрган қўшниси, қариндоши ёки таниш-билиши нега ташкилотимизга аъзо бўлмайди? Иккинчидан, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш керак. Токи инсонлар касабаси уюшмалари меҳнаткашларнинг том маънодаги ҳимоячиси эканлигини тушуниб етсин.

Шу мақсадда Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабаси уюшмаси VI курултойи қатнашчиларининг тармоқ қурувчиларига мунозаат эълон қилинди. Шунингдек, мазкур анжуманида илҳом борица ҳар бир тармоқ меҳнаткашини сафимизга жалб этиш ҳақида қарор қабул қилинган ҳам, ўйламанки, самара беради.

«Ishonch» муҳбири Неймат РАФИҚОВ суҳбатлашди

Кишлоқ хўжалиги — касабаси уюшма оталигида Кўмак

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури» тўғрисидаги Фармони, 2006 йил 23 мартдаги ва 2008 йил 21 апрелдаги Қарорларининг ижросини таъминлаш касабаси уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклатди. Ушбу Фармон ва Қарорлар юзасидан 2010 йил 12 февралда тасдиқланган «Республикада 2010 йилда қорамоллар бош сони, гўшг ва сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш, зооветеринария ҳамда наслчилик сервис хизматлари кўрсатиш тармогини кенгайтириш ва яхшилаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури»га кўра бир қанча ишлар бажарилди.

Жумладан, касабаси уюшмаларининг ҳудудий раҳбарлари вилоят ва туман ҳокимлари етакчилигида ташкил этилган ишчи гуруҳлари таркибига киритилди. Бугунги кунда улар ҳар бир туман, фуқаролар йиғини, хонадонлар ҳамда фермер хўжаликларидеги ситирлар ва урчиғи ёшидаги таналарни инвентаризациядан ўтказишда фаол иштирок этмоқдалар. Шунингдек, соҳа ходимлари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли яшайдиган жойларда, мол бозорларида сунъий уруғлантиришнинг афзалликлари тўғрисида паннолар ўрнатиш ва шу каби тарғибот-ташвиқот ишларида бош-қош бўлди. Масалан, Жиззахда ҳар ойнинг 5-санасида илгор чорвачилик фермер хўжаликлари базасида ўқув-семинар ўтказиш йўлга қўйилди. Туманлардаги ўқитувчилардан иборат «Фидойилар гуруҳлари» хонадонларга бориб, тарғибот-ташвиқот ишларини намунали олиб бормоқда. Бунда шу кунгача вилоят миқёсида 15 мингдан зиёд педагог иштирок этди. Қашқадарёликлар сунъий уруғлантириш ҳамда зооветеринария хизматининг моҳиятини акс эттирувчи 50x40 см. ўлчамли 5000 дона плакат ҳамда 10000 дона буклет тайёрлашди.

Республика бўйича туманларда ташкил этилган мониторинг гуруҳлари сайй-ҳаракати ўларок хонадонлардаги ситирларни сунъий уруғлантириш бўйича жойлардаги зооветеринария шохобчалари билан 1.687.675 та шартнома имзоланишига эришилди. Умуман, тарғибот-ташвиқот ишлари учун касабаси уюшма ташкилотлари томонидан жами 143,734 минг сўм маблағ сарфланди. ЎзКУФК зооветеринария шохобчалари ишини яхшилаш, касабаси уюшмалари томонидан мониторинг олиб боришга қўмаклашиш учун «NASL XIZMAT» Республика наслчилик уюшмасига 10 млн. сўм миқдориде маблағ ўтказди.

Бундан ташқари, пахта йиғим-терим мавсуми ҳам касабаси уюшмалари назаридан четда қолмаётгани йўқ. Масалан, шу йилнинг ўзида илгор теримчиларни рағбатлантиришга 85 млн. сўм сарфланди. Шунингдек, «Инқирозга қарши чоралар Дастури»га кўра кам таъминланган талай оилга 133 бош қорамол тортиқ қилинди.

Ўрол АДИЛОВ, ЎзКУФК бўлим мудири

Солиқ идораларида


Сўнги йилларда фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш тизимини янада яхшилаш ва самардорлигини ошириш борасида кенг қўламини ишлар амалга оширилмоқда. Давлат ва нодавлат ташкилотларида ташкил этилган «Ишонч» телефонлари бу борада муҳим аҳамият касб этаяпти. Хусусан, вилоят давлат солиқ бошқармаси ва унинг ҳудудий инспекцияларига «Ишонч» телефони орқали тизимсиз мурожаатлар амалга оширилмоқда. Бу эса савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларини бузаётган тадбиркорларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатини фош қилишда кўл келаяпти.

Ишонч ортмоқда

Жорий йилнинг ўтган даври мо-байида вилоят солиқ идораларидаги «Ишонч» телефонларига 200 га яқин мурожаат келиб тушган. Уларнинг аксарияти савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида терминаллар бўлгани ҳолда пластик картонка орқали савдо қилиш ва хизмат кўрсатишдан бош тортиш ёки харид чекин бермаслик ҳолатлари бўйича. Яқинда вилоят Давлат солиқ бошқармасининг «Ишонч» телефони-га келиб тушган мурожаат асосида хусусий тадбиркор Ж.Охунжоновга қарашли савдо шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, унда 343 минг 100 сўмлик савдо пулини НКМга кирим қилинмаганлиги ва 71 минг 700 сўмлик нақд пулни банк муассасасига топширмай, бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилганлиги аниқлан-

ди. Мазкур ҳолат юзасидан хусусий тадбиркорга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди. Демак, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган НКМ ва терминалларнинг муаммосиз ишлашида касса чеки ёки унга тенглаштирилган ҳужжатлар берилишида нафақат солиқ идоралари, балки жамоатчилик назоратининг ҳам ўрни беки-ёс. Ҳуқуқингизга қарши йўналтирилган ҳар қандай ҳолат юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат қилишга иккиланманг. Бунда «Ишонч» телефони- сиз учун энг яқин қўмақдош. Зеро, бу юртда инсон, унинг қадри, шаъни ва манфаати ҳар недан азиз.

Абдували АХМЕДОВ, Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси навбатчилик қисми бошлиғи



Мамлакатимиз келажаги

ёшларимизнинг илмий салоҳиятига боғлиқ

Мазкур конференцияни ўтказишдан асосий мақсад ёш олимлар ўртасида ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш ҳамда уларни илмий кашфиётлари жараёнида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Анжумани республика Фанлар академиясининг Президенти, академик Шавкат Солихов кириш сўзи билан очиб, айни вақтда ёш олимларнинг илму фанни ривожлантиришдаги ўрни ва уларга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида тўхталиб ўтди. Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг раиси Носирхон Акбаров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Баҳодир Фаниев, республика Фанлар

академиясининг Ёш олимлар кенгаши раиси Сайдулла Фуломов ҳам истёждоларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Шундан сўнг «Энг яхши бошланғич ёш олимлар ташкилоти», «Энг илгор ёш олим», «Энг долзарб инновацион гоя», «Энг олимлар кенгашининг энг фаол ташкилотчиси», «Йилнинг энг яхши кашфиёти» номинацияси бўйича ғолибларга Марказий кенгашнинг қимматбахо совғалари ва «Камолот» ЕИХнинг фахрий ёриқлари топширилди. Бир гуруҳ ёш олимлар фаннинг долзарб муаммоларига бағишлан-

ган маърузаларни тингловчилар эътиборига ҳавола этишди. Конференцияда ёш олимларнинг ижодий салоҳиятидан фойдаланиш имконини берувчи омилларни, мамлакатимиз тараққиётига доир вазифаларни бажариш борасида интеллектуал кучларни биллаштириш каби бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди. Катнашчилар мазкур илмий-амалий конференция устувор фан йўналишларининг ривожланиши юзасидан мамлакатимиз ёш олимлари мунозара олиб борадиган, фан тараққиёти масалалари юзасидан қарашларни мослаштирадиган форумга айланишини ишонч билан таъкидлашди.

Н.РАФИҚОВ

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Хоразм вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Раҳимберган Матрасулов суҳбатларимиздан бириде шундай деганди:

Комилликнинг


— Муҳтарам Президентимизнинг 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиши зиммамизга алоҳида масъулият юклатди. Жорий йилнинг нега бундай номлангани ҳақида мулоҳаза юрита туриб, ўзим учун баркамолликнинг етти қиррасини кашф этдим. Улардан бири — сиёсий фаоллик. Иккинчиси, юксак маънавият. Албатта, жисмоний етуқлик энг зарур жиҳатлардан ҳисобланади. Жамият ривожини ҳар бир фуқародан ҳуқуқий билим ва маданият талаб қилар экан, бу омилни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим. Иқтисодий таъминланганлик ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Билимдон бўлмасдан туриб, баркамолликка эришиб бўлмайди. 60 ёшини қаршилаётган Раҳимберган Матрасулов тимсолида баркамолликнинг етти қиррасини кўрдик.

тутунли имтиёзли битирди. Шу олийгоҳда ўқитувчилик қилди, техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Кейинчалик Хива кишлоқ хўжалик техникумида ўқитувчи, вилоят агросаноат касабаси уюшмаси раиси, Хива туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, «Қорақум» жамоа хўжалиги раҳбари, Гурлан туман ҳокими, «Ўздавтехназорат» Давлат бош инспекцияси бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борди. 2009 йилдан Хоразм вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига раислик қилмоқда. У мазкур лавозимга сайланган кунларда вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Дилбар Бекжонова шундай деб қолди: — У киши «Қорақум» жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган йиллари учрашиб, фаолияти ҳақида мақола ёзганман. Ушанда раиснинг ўзи меҳнаткашлар ҳаёти, иш жараёни билан таништирдим. Хўжалиқдаги одамлар, етиштирилаётган пахта, бошқа кишлоқ хўжалик экинлари, чорва ҳақида шундай меҳр билан гапириб берганди-

ки, унинг фидойилиги, юртга бўлган меҳрини илғаш учун журналист бўлиш шарт эмасди. Раҳимберган ака билан суҳбатда бўлган киши қаршида зиёли инсон, кенг дунёқарашли олим турганини дарров илғайди. Бир сафар у жамият ривожини унинг журналист нималар қилиши лозимлиги ва эътибор қаратиш керак бўлган мавзулар матбуотда қай йўсинда ёритилса, аҳамияти қаттароқ бўлиши хусусида фикр билдирди. Бу фикрлардан чиқадиган хулоса — шунчаки ёзмалик керак деган қондан ҳар бир журналист узи учун белгилаб олмоғи лозим. Комил инсон жисмонан бақувват бўлиши керак деган ақидага асосан, Раҳимберган Матрасулов вилоят касабаси

Таълим Янги педагогик технология

Фаргона вилоятида педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги усули — интернет орқали ўқитиш тизими 2009-2010 ўқув йилида тажриба-синов тарзида ўтказилган. Айни пайтда Қўқон шаҳри, Фурқат, Риштон, Бағдод, Тошлоқ тумани марказларида масофадан малака ошириш таълим-ресурс марказлари ишлаб турибди. Улар кимё, физика, биология лаборатория асбоб ускуналари, компютер синф хоналари, нуска кўпайтириш техникалари каби зарур жиҳозлар билан таъминланган. — Марказларнинг ташкил этилиши шаҳар ва чекка кишлоқлардаги ўқитувчиларни малака оширишга кенг жалб этиш имконини беради, — дейди вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори Бобосодиқ Латипов. — Асосий, ўқитувчиларга илмий-услубий хизмат кўрсатиш улуксизлиги таъминланади, малака ошириш сифати яхшиланади. Институтимизда фаолият юритадиган 9 нафар профессор-ўқитувчиларнинг Германиядаги малака ошириш марказларида бўлиб, масофавий таълимнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиб қайтгани фаолиятимизда кўл келмоқда. Бу ерда электрон дарслик, мультимедиа материаллари, виртуал лаборатория, тақдирот слайдларидан кенг фойдаланилади. Улғубек ИБОДИНОВ, «Ishonch» муҳбири



Хунар — зар

Нуротанинг нурли кашталари

«Инсон меҳнати ва эзгу амаллари билан эъзос топади. Дунёда одамийлик, бировга яхшилик қилиш ҳамиша қадрланган».

Хунарга юксак меҳр қўйган Рухсорой опа ана шундай эзгу фалсафани ҳаёт мазмунига айлантирган.



Шотландиянинг Глазго шаҳрига бордим. Қадимий сўзаналаримизни Глазго музейида кўриб, гурурланиб кетдим.

Оила аъзолари билан бирга Нурота кашталарини дунёга олиб чиқиш орзусидаман.

Рухсорой опанинг ниятини амалга оширишда «Хунарманд» уюшмаси яқиндан ёрдам бериб келаяпти.

«Узбекистон» миллий компанияси томонидан ташкил этилган «Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат» XVI Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркасида Р.Турақулова ҳам қадимий нусхалар асосида тиккан Нурота сўзаналарини намойиш этди.

Қўлигул аёлнинг нусхаларини жуда тез ва аниқлик билан чиқиши кишини ҳайратга солади.

Нурота сўзаналари асрлар давомида сехру жозибаси билан қалбларни забт этган.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» муҳбири

Шажара

IV

Даштда кетаяпмиз. Бобом ҳамон ўтган-кетгандан гурунг бериб бормоқда.

— Билсанг, Хўжамберди бобомизнинг вори-сини Юсуф бурдоқ деб аташган.

— Нега бурдоқ дейишган, бово? — сўрайман қизиқиб.

— Отам зўр чавандоз, алп бўлган, ўзим 9 пуд келган, бу бизнинг ҳисобда 144 кило бўлади.

— Нега бурдоқ дейишган? — сўрайман такрорлаб.

— Бунча шовшалоқсан, бизнинг уруғда мундайин бўлмоғи эди, сен қўштамғали тоғларингга торганмисан?..

Бир кун отам чиялик чорвадор бой билан бир бурдоқни қўйнинг гўштини ейман деб, саксон қўйдан гаров бойлашибди.

— Ҳаммасини еганми? — дейман ҳовлиқиб.

— Ҳа, фақат шўрваси қолган.

— Йўғ-а?!

— Ишонмасанг, ишонма, — дейди бобом ва эшагини қичайди.

Кимнинг фарзандисан, эслаб кўр! Эслаб кўр!

Чингиз АЙТМАТОВ

Абдиқарим деган фермер дўстим бор, кўпни кўрган гурунг боз йигит. Яна давраларда теша тегмаган гапларни, ҳангомаларни айтиб, улфатларини қулдириб юради.

Кунларнинг бирида у билан қишлоқ гузаридида чойхонада учрашиб қолдим.

— Қани ошна, «янгилири»дан борми, — дедим унга қараб.

Дўстим эса жиддий қиёфада бироз ўйлиниб, деди:

— Эй, у гапларни қўйинг, бугун бошқа нарса бор. Биласиз, укам Панжи Самарқанддаги шиёфхонада жарроҳ бўлиб ишлайди.


Мехмонга борганимда, укам бу гапни менга айтиди, ростки, уялиб кетдим, чунки боболарим ким бўлган, қандай яшаган билмасдим-да...

Уйга келиб, укамнинг саволини отам Наби муаллимга бердим.

— Уша дўхтур синчков экан, ростдан ҳам боларимиздан бирини эл-улус Мардон синиқчи деб атаган.

У киши қўл-оёғи, елкаси синган-чиққанларни даволаган. Ана, Бобонор акаган ҳам синиқ-мертиқларни боғлаб юрадиди, бу касб бизнинг қонимизда бор, ўғлим! —

Олтин занжир



деганди отам раҳматли.

Кеча эса Бобонор акамдан Мардон синиқчининг отаси кимлигини билдим. Бош бобомизни Олпон пансод деб қақширар, у киши беш юз сарбозга бош бўлган эканлар.

Ушанда тўртинчи синфда ўқирдим, баҳор кунларининг бирида бобом Махмарўзибой мени эшағига миндириб даштга, қўйларидан хабар олгани чўпонлар ҳузурига олиб кетди.

Бобом йўл-йўлакай менга гурунг бериб берди:

— Эй, болам, мана ёшим саксоннинг ёқасида, кўпни кўрдим, умр оқар дарё экан, оқдикетди. Яратганга шукр, меҳнатин боис хорликзорлик кўрмадим, қўй-эчки қилдим, бог яратдим, лозим бўлса савдогар ҳам бўлдим, ҳалол, тўғри яшадим. Фарзандларини оёққа тургазим. Одамларнинг тилига бой бобо бўлиб тушдим.

Билсанг, бобокалонимиз Мардон синиқчининг зурриёдини Худойберди саркор деб қақширшган. Бобомиз қавмимизни, уруғ-аймоғимизни ўғри-қароқчилардан, босқинчилардан ҳимоя қилган. Узим ёвқур, чапани киши бўлган.

Хўш, кейингиси Худойберди саркорнинг ўғли Хўжамберди ёмғирёғди бўлади.

— Нега ёмғирёғди дейишган, бово?

— Чунки Хўжамберди бобомиз катта чорвадор бой бўлган, уюр-уюр от-ийлқилари, қўйлари, туялари бўлган. Узим синчков, тадбирли киши бўлганки, қачон қор ёки ёмғир ёғишини олдиндан айтиб бера олган.

Кунларнинг бирида бобомиз чекон, телпақ қийиб даштга, чўпонлари ёнига жўнабди ва ураган чўпон-чўликларга «тезроқ қўйларингни қамовга ҳайданглар, қаттиқ жала ёғди», деб айтиб кетаверибди.

Кун очик, қуёш чарақлаб тургани сабабли чўпонлар бобомизнинг сўзига парво қилишмаган, ҳатто баъзилари «боши айланбди» деб қулишибди.

Бобомиз эса ўзига қарашли қўйларни кўрага қамабди. Ишонсанг, бир зумда уфқ тарафдан шамол ва булут келиб, қуёш жала қуйибди.

Бобомизнинг тезроқ тадбири туфайли қўйлар омон қолибди, аммо боғия «қулоқсиз» чўпонларнинг отарлари кўп талофат қўрибди.

Эй, бўтам, кексаларнинг гапларига қулоқ солмаслик қандай оқибатларга олиб келишини уқднгми?

Бир йили хўжалиқда бригадир бўлиб ишлаган Ҳаким акам ўғлига суннат тўй қилди. Меҳмонлар қўноқхоналарга жойлашган, акам менга мактаб стадионига бориб, кураш учун майдон ҳозирлаймиз, деди.

Акамнинг сўзларини эшитган отам дабдурустан:

— Ўғлим, олиш бўлмайди, ёмғир ёғди, — деди.

— Эй, ота, қизиқмисиз, осмонга қаранг, юлдузлар чарақлаб турибди, — деб қулди акам.

— Айтдим-қўйдим-да, ўғлим!

Биласизми, ошна, меҳмонлар қайтиб, ҳалойиқ тўпланган, энди кураш бошланай деб турган маҳал шовуллаб ёмғир қуйди. Кураш бўлмади, биз шалаббо бўлиб, уйга қайтдик.

Отам бизни қулиб қаршилади:

— Ай, болам-а, қарш мен Хўжамберди ёмғирёғдининг чеварасиман, бекорга гапирмасам керак-ов...

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиғи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши вақоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилди.

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши жамоаси Урғут туман тармок бирлашган касабаси уюшмаси раиси Исмаил Набиевга падаври бузруквори РАШИД ҲОЖИ ОТАНИНГ вақоти муносабати билан таъзия билди қилди.

Семинар

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан бошланғич касабаси уюшмаси раислари ва фаоллари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Долзарб мавзу

Анжуманда профессор Муқимжон Қирғизбоевнинг қўшни давлатлар — Афғонистондаги 30 йилдан буюн давом этаётган ўруш ҳамда Қирғизистонда жорий йилнинг июн ойида содир бўлган фожиали воқеалар ва унинг оқибатлари ҳамда келиб чиқиш сабабларига оид маърузаси тингланди.

Нотиқ, шунингдек, Орол денгизи муаммоси, истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳамда Юртбошимиз нутқида кўтарилган бошқа масалалар бўйича ҳам кенг тушунча берди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

Танлов

«Энг меҳрли кутубхоначи»

Самарқанд шаҳридаги 59-қўзи оқизлар махсус мактаб-интернатда Барқамол авлод йилга бағишлаб «Энг меҳрли кутубхоначи» курик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов натижасида Самарқанд шаҳридаги 59-сон қўзи оқизлар махсус мактаб-интернатининг кутубхоначиси Дилрабо Қаюмова биринчи, тайлоқлик Баҳора Ҳасанова иккинчи ва Пастдаргом тумани Чархин шаҳарчасидаги махсус кутубхона ходими Бахтигул Самандарова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Барча иштирокчилар фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланди.

С.РАҲИМОВ, Маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича вакили

ЕТТИ ҚИРРАСИ

лар замирида ҳам аъзолар жисмоний ва руҳий саломатлигини таъминлаш мақсади туради.

Вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси раиси бошлаган янгиликлардан бири бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари раҳбарлари учун ташкил қилинган бир ҳафталик ўқув-семинар бўлди.

Ивланишдан чарчамайдиган бирлашма кенгаши раҳбари бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. Унинг раҳбарлигида ўтказилган йилги шундай турли тадбирларда иштирок этарканман, шунчаки режада ёки уставда белгилангани учун эмас, аксинча, фаолиятини янада яхшилаш, аъзолар манфаатини ҳимоялашни қўзғаб ўтказилганга гувоҳ бўлганман.

Бирлашма раиси бугун эътибор қаратаётган жиҳатлардан яна бири меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофаза даражасини оширишга йўналтирилган.

— Бундан аввалроқ ўзи тақозо этмоқда. Инсон иқтисодий тағам аҳволда бўлса, у ўзи саломатлиги

ҳақида ҳам, билим ва маҳоратини ошириш тўғрисида ҳам қайғура олмайди, — дейди Раҳимберган Матрасулов. — Касабаси уюшмалари халқ фаровонлиги, юрт тинчлигини таъминлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, унинг мазмун-моҳиятини оммага етказиш баробарида аъзолар ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, ҳар бир меҳнат муносиб рағбат топишини таъминлашга ҳаракат қилади.

Бу ҳақда гап кетганда, раис меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилиш, қулай ва бехатар иш шaroитлари яратиш борасидаги фаолиятни бирлашманинг ўзидан бошлаганлигини қайд этди. Қисқа муддатда бирлашма биноси таъмирланди, иссиқлик тармоғи янгиланди. Мазнавий хонаси ташкил қилинди. Ҳар бир ходим учун иш ва дам олиш шaroити яратилди. Бино ташқариси шаҳар кўрқига қўрқ қўшувчи гўзал кўринишга эга бўлди. Янги иш ўринлар яратиш ҳам эсдан чиқиб қолаётгани йўқ. Овқатланиш шохобчаси фаолият бошлади, канцелярия моллари дўкони қурилиши давом этмоқда.

Шу ўринда АСМ ходимлари Гурлан туман кенгаши раиси Жума-

бой Қозоқовнинг айрим фикрларини ҳам ёдга олиб ўтишни лозим деб топдик.

— Гурлан туманига ҳоким бўлганида, бизнинг соҳада иш ҳақидан қарздорлик 50 миллион сўмдан ортиқ эди. Ҳоким ҳар бир хўжалиқнинг иқтисодий аҳолини жойларга чиқиб ўрганиб, қисқа муддатда ушбу қарздорликни бартараф қилиш чораларини кўрди. Бу жараёни бевоқиф касабаси уюшмалари билан ҳамкорликда олиб бургани туфайли, ташкилот маъқеи янада ошди.

Юрган дарё, утирган бўйра, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, инсон ивланиши, интилиши эвазига улкан дарёга айланади. Раҳимберган Матрасулов қайси жамоада ишлаганини, қай ташкилотга раҳбарлик қилганини, янгилик яратиш, кейинги фаолият янада яхши ва баракали бўлишига ҳаракат қилиб келмоқда.

Ҳожиназар БЕКЖОНОВ, вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси маданият ва спорт бўлими мутахассиси, бошланғич касабаси уюшмаси ташкилоти раиси

(Давоми. Боши 1-бетда)
— Оммавийликдан — маҳорат сари. Бу сиз етакчилик қилаётган жамоат учун ҳам бегона эмас. Ҳоҳ туман, ҳоҳ вилоят, ҳоҳ республика босқичи бўлсин, улардан кўзланган мақсад сари навбатдаги ишончли қадамлар ташлашда, дейиш мумкинми?

Хисобот даврида республика бўйича 5964 нафар биринчи даражаси, 1761 нафар спорт усталигига номзод, 386 нафар спорт устаси, 63 нафар халқаро тоифадаги спортчилар тайёрлашга эришилди.

Холларда мактабда у ёки бу фандан дарс берадиган ўқитувчиларни кўз ўнгимизга келтирармиз. Лекин, инсоф билан айтганда, спорт мураббийларига янада оғир, масъулият юки янада залворли. Демак, улар ўз меҳнатларига яраша эътибор ва ғамхўрликка муносибдирлар?

Машаққатли меҳнат эса қайта тикланиш жараёнини тақозо этади. Соҳа меҳнаткашларининг дам олиши, саломатликларини тиклаши бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Майдонга чиқдингми, ўзингни кўрсат

Чунки спорт имкониятлар намоёишидир

юзасидан кенг тушунчалар берилди ва албатта, оммавийликка эришиш орқалигина иқтидор эгаларини саралаб олиш, улардан олимпиада ва жаҳон чемпионларини тарбиялаш ҳақида фикр алмашилади.

Жамоатда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида меҳнат жамоалари, ўқув юртлири ҳамда ишчи-хизматчилар, талаба-ўқувчилар турар-жойларида оммавий спорт мусобақалари, спартакиадалар, спорт фестиваллари ва кўплаб турнирлар ўтказиш одат тусига кирган бўлиб, бу ўз самарасини бермоқда, янги-янги иқтидорлар кашф этилмоқда.

бўйича Э.Хафизов, енгил атлетика бўйича Г.Хуббиева, А.Сенчинова, С.Разилов, Б.Шокриёнов, дэю-до бўйича М.Шарипов, Х.Набиев, велоспорт бўйича С.Лагутин, оғир атлетика бўйича М.Чашемов, спорт гимнастика бўйича Л.Галиуллина каби спортчиларимиз билан ҳақли равишда фахрланас арзийди.

тиклашди, қолаверса, машгулларда узилишлар бўлмаслигига эришилди. Спорт йўлини танлаган одам учун бу жуда муҳим.

Орта қолган беш йилга назар солиб, шунки кўриш мумкинки, кенгашишим низомида белгиланган шартлар амалда ўз ифодасини топди. Ҳаттоки, ёши 40-50 ни қоралаб қолган касабга уюшма аъзоларимиз ҳам қизиқишларига қараб спортнинг у ёки бу тури билан мунтазам шугулланмоқда.

Бунга яна шунки илова қилиш мумкинки, сўнги икки йил ичда Олимпия захираларини тайёрлаш республика спорт мактаби тарбияланувчиларидан 56 нафари Жаҳон, Осиё биринчиликларида 21 та олтин, 27 та кумуш ва 28 та бронза, жами 76 та медални кўлга киритиб, юртимиз доверугини оламга ёйишди.

Олинда бизни Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпия йўлларни кутмоқда. Яна кўплаб халқаро мусобақалар спорт тақвимида жой олганки, уларнинг ҳар бири Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон юртини шарафлаш, давлат мадҳияси ва байроғини дунёга яна ва яна танитиш учун яхши бир имкониятдир.

Осиё чемпионати, ниҳоят ўтказиб қўйишнинг ўзи қийин эмас. Қаров бўлмаса, ё куриб қолади, ё кутилган ҳосилини бермайди. Иқтидор эгалари ҳам шундай. Устоз-мураббийлар турли даражадаги мусобақаларда малака ҳосил қилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги 5 та олимпия захиралари мактабида 15 мингдан зиёд иқтидорли болалар у ёки бу спорт тури бўйича маҳоратларига сайқал беришмоқда.

Осиё чемпионати, ниҳоят ўтказиб қўйишнинг ўзи қийин эмас. Қаров бўлмаса, ё куриб қолади, ё кутилган ҳосилини бермайди. Иқтидор эгалари ҳам шундай. Устоз-мураббийлар турли даражадаги мусобақаларда малака ҳосил қилмоқда.

Осиё чемпионати, ниҳоят ўтказиб қўйишнинг ўзи қийин эмас. Қаров бўлмаса, ё куриб қолади, ё кутилган ҳосилини бермайди. Иқтидор эгалари ҳам шундай. Устоз-мураббийлар турли даражадаги мусобақаларда малака ҳосил қилмоқда.

Осиё чемпионати, ниҳоят ўтказиб қўйишнинг ўзи қийин эмас. Қаров бўлмаса, ё куриб қолади, ё кутилган ҳосилини бермайди. Иқтидор эгалари ҳам шундай. Устоз-мураббийлар турли даражадаги мусобақаларда малака ҳосил қилмоқда.

Осиё чемпионати, ниҳоят ўтказиб қўйишнинг ўзи қийин эмас. Қаров бўлмаса, ё куриб қолади, ё кутилган ҳосилини бермайди. Иқтидор эгалари ҳам шундай. Устоз-мураббийлар турли даражадаги мусобақаларда малака ҳосил қилмоқда.

Осиё чемпионати, ниҳоят ўтказиб қўйишнинг ўзи қийин эмас. Қаров бўлмаса, ё куриб қолади, ё кутилган ҳосилини бермайди. Иқтидор эгалари ҳам шундай. Устоз-мураббийлар турли даражадаги мусобақаларда малака ҳосил қилмоқда.

Осиё чемпионати, ниҳоят ўтказиб қўйишнинг ўзи қийин эмас. Қаров бўлмаса, ё куриб қолади, ё кутилган ҳосилини бермайди. Иқтидор эгалари ҳам шундай. Устоз-мураббийлар турли даражадаги мусобақаларда малака ҳосил қилмоқда.

Осиё чемпионати, ниҳоят ўтказиб қўйишнинг ўзи қийин эмас. Қаров бўлмаса, ё куриб қолади, ё кутилган ҳосилини бермайди. Иқтидор эгалари ҳам шундай. Устоз-мураббийлар турли даражадаги мусобақаларда малака ҳосил қилмоқда.

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2010 йил 2 декабр
кўни аукцион савдоларини ўтказди
Савдоларга «Тошкент вилояти бошбекатлари ва йўловчи шохбекатлари ишлаб чиқарishi бош корхонаси» ДУК тасаруфиди Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 31-уй манзилда жойлашган 1 қаватли бинонинг умумий майдони 63 кв.метрга тенг бўлган бир қисми қўйлади. Бошланғич нархи 41 195 891 сўм, зақалат миқдори 8 300 000 сўм.

Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати, ниҳоят ўтказиб қўйишнинг ўзи қийин эмас. Қаров бўлмаса, ё куриб қолади, ё кутилган ҳосилини бермайди. Иқтидор эгалари ҳам шундай. Устоз-мураббийлар турли даражадаги мусобақаларда малака ҳосил қилмоқда.

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» Республика танловига
Кўшиқ — менинг ҳаётим
Мулютоз ашулаларни қуйлаш ижроқидан алоҳида тайёргарлик, билим, иқтидор талаб этади. Бугунги сўхбатдошимиз — «Ниҳол» мукофоти совриндори Малика Эгамбердиева зиммасига шундай масъулият юкнини ортиганлардан. У миллий куй-қўшиқларимизни кейинги авлодларга етказишдек шарафли ишга бел боғлаган.



— 1990 йили Наманган вилоятининг Поп туманида туғилганман, — дейди Малика. — Ота-онам режиссёр бўлгани учун ҳам санъаткор дўстлари тез-тез уйимизда тўпланишарди. Уларга хизмат қилар эканман, баъзан адабиёт ҳақида айтилаётган гаплар кулоғимга чалинар, баъзан меҳмонлардан бири қуйлаётган кўшиқ оҳанги сеҳрлаб қўяди. Шунинг таъсирида, мусиқага, кўшиқ қуйлашга меҳр қўйиб ўсдим. 9-синфдан болалар мусиқа мактабининг анъанавий маком йўналишида, сўнг Тошкент маданият коллежида таҳсил олдим. Ўқиб давомиде тенгдошларим орасида ўтказилган кўрик-танлов, турли беллашувларда иштирок этдим. Ҳозир Ўзбекистон Давлат консерваториясининг анъанавий ижроқилик факультетида тахсил олмоқдаман.

— Мумтоз қўшиқларни қуйлаш анча мураккаб. Сиз эса шу йўналишни танлагингиз... — Халқимиз миллий қўшиқларни севиб тинглайди. Устоз санъаткорлар Фаттоҳон Мамадалиев, Маъмуржон Узоқов қўшиқларини эшитиб улғайдим. Уларни қуйлаш қийин бўлса-да, шарафли деб биламан.

— Шеръ танлашда кўпроқ кимларга мурожаат этасиз? — Алишер Навоий, Бобур, Нодира газалларига бастанган қўшиқлар ижодимнинг асосини ташкил этади.

— Улар қаламига мансуб газаллар мазмунини англаш, тушуниб ижро этиш мушкулроқ, назаримизда... — Ҳақсиз, ғазал маъносини тушунмасангиз, ундаги дардин тингловчига етказиб беролмайсиз. Ҳар бир мисра замирида олам-олам маъно ётади.

— Ҳақсиз, ғазал маъносини тушунмасангиз, ундаги дардин тингловчига етказиб беролмайсиз. Ҳар бир мисра замирида олам-олам маъно ётади. Аждодларимиз сўзга бўлакча эътибор билан қараганига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламан. Олий ўқув юртида бизга бу борада сабоқ берувчи махсус фанлар ўтилади.

— Қимларни ўзингизга устоз деб биласиз? — Илк сабоқни мусиқа мактабида Аббасқаримов ўқитиб олганман. Ҳозирда санъат даргалари Улмас ака Расулов, Муножот Йўлчиева, Озода Ёрова, Мафҳуда Каримовадан таълим оламан. Муқтабилигимнинг 19 йиллик тантаналарида Ўзбекистон халқ артисти Махмуд Намозов билан дуэт қуйладик. У кишидан ҳам кўп нарса ўргандим. Умуман, маком йўналишида ижро этган ҳар бир санъаткор менга устоз. Ижодимни бошлаган кезларим Гулсанам Мамазоитовага ўхшашга ҳаракат қилардим. Энди эса «тақлид босқичи»дан чиқиб, ўз услубим, йўналишимни топишга интиляман.

— Иштирок этган танловларингиз ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз. — Ҳар бир танловдан инсон нимадир олади. Изланишга, ўз устиде кўпроқ ишлашга эҳтиёж сезади. 2009 йил «Қалбимда Ватан мадҳи» танловига қатнашдим. «Йўналишимиз, муқаддас Ватан» кўрик-танловига Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитовадан кейин 3-ўринга муносиб деб топилган, ўзимга ишончим янада янги имкониятлар эшигини очди.

— Маблағ ёки қобилият... Умуман, санъатда нима муҳимроқ? — Биринчи навбатда қучли истеъод. Юртимизда иқтидорли ёшларга барча шароит яратилган. Уларни қўллаб-қувватловчи ташкилот, муассасалар бисёр. Шулардан бири — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасига фурсатдан фойдаланиб, ўз миннатдорчилигимни билдираман.

— Келажақдаги режаларингиз... — Халқимиз юрагидан жой олувчи қўшиқлар яратишни истайман. Миллий қўшиқларимизни нафақат ўзбек, балки жаҳон саҳналарида қуйлашни хоҳлайман.

ЎЗДЖТУ талабаси ШОХНАМ НИЁЗОВА сўхбатлашди
Сўхбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ

Ishonch Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), M'amura ADILOVA, Normat AliAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Soq'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63 Xalq va xuquq hayot 256-03-90 Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43 Reklama va e'lonlar 256-87-73 Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 99897 465 05 68; Buxoro + 99893 653 50 81; Jizzax + 99872 360 00 10; Navoiy + 99893 725 46 40; Samarqand + 99866 933 25 04; Surxondaryo + 99897 458 05 07; Farg'onah + 99891 679 32 79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75; Qashqadaryo + 99897 414 30 78 Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: mail@ishonch.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Navbatchesi muharriri: A. Toshev Navbatchesi: A. Arslonov Musahhah: S. Shodiyeva Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abduljalilov «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasisda chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Tarxon» ko'chasi, 41-uy. O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatishi shart. Mualliflar fikr tahririyat nuqtai nazaridan farchanishi mumkin. H - Tijorat materiallari Boshiga to'plash vaqt - 21.00 Topshirish - 20.20 Byuromta T - 1051 11004 nusxada bosildi ISSN 2010-5002 1 2 3 \$